Стратегик ...
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 37 (9.229) 1999 йил 2 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда



## ПРЕЗИДЕНТНИНГ МОСКВАГА ТАШРИФИ



1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарларининг навбатдаги Саммитида иштирок этиш учун Россия Федерацияси пойтахти Москвага жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари ходимларига интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— Ўзбекистоннинг МДҲга аъзо бўлишидан асосий мақсади, илгари ҳам таъкидлаганимиздек, ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Шунинг учун мен бу тузилма негизида собиқ иттифоқни тиклашга уринишга мутлақо қаршиман. Барча муносабатлар ўзаро тенг ва манфаатли бўлиши керак. Битта давлатнинг бошқа мамлакатлар устидан ҳукмронлигига асло йўл қўйиб бўлмайди. Барча аъзо давлатлар ўзининг кундалик фаолиятида ҳам, стратегик масалаларни ҳал этишда ҳам шу нуқтаи назардан ёндашмоғи зарур.

Биз МДҲнинг ҳар хил ниқоблар остида сиёсий-ҳарбий уюшмага айлантирилишига мутлақо қаршимиз. Бундай блоклар воситасида оёқ-қўлимизга қайтадан кишан урилишини истамаймиз. Турли сиёсий-ҳарбий ўйинларга қўшилиш Ўзбекистон сиёсатига ётдир. 1992 йилдан буён Ҳамдўстлик доирасида мингдан ортиқ ҳужжат қабул қилинган бўлса, шуларнинг тахминан 10-15 фоизи иқтисодиётга тегишли, холос. Шунинг учун биз бундай ўйинларга қўшилишни истамаймиз. Эртанги Саммитда ҳам ўзимизнинг ана шу йўлимизни қатъий ҳимоя қиламиз.

Айни пайтда МДҲ мамлакатларининг «бошини қовуштириш» учун ташкил этилган идораларда минглаб одамлар ишлайди. Бундай олиб қараганда, улар қилаётган ишнинг тайини йўқ. Биз бундай идоралар, улардаги маош олаётган ходимлар сонини 50-60 фоизга қисқартиришни таклиф қилмоқчимиз.

Юртбошимиз жаҳондаги бугунги вазиятга, жумладан, Косово можаросига тўхталиб, Ўзбекистон ҳукумати бу муаммонинг ечимини тинч музокараларда, деб билади ва қарама-қарши кучларни ҳар қандай вазиятда ҳам музокараларни бошлашга чақиради, дея таъкидлади.

Президент Ислом Каримов 30 март куни Хоразм вилоятидаги «Саримой» ДАН постида содир бўлган нохуш воқеага ҳам муносабат билдирди.

— Бу ҳодиса ҳақида Ўзбекистон матбуоти республика прокуратурасининг маълумотларига таянган ҳолда хабар берди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бироқ баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари бу жиноятга сиёсий тус беришга ҳаракат қилмоқда. Аниқ айтишим мумкинки, бу жиноят ҳеч қандай сиёсий ёки диний асосга эга эмас. Қонунбузарлар хавфли жиноятчилар, талончилар гуруҳи эди, холос. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари бу воқеа ҳақида халқимизни тезкор равишда хабардор қилди. Чунки одамлар ҳақиқатни қанча кўп билса, шунча яхши. Аслида бундай жиноятчилар билан курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот ходимларининг иши, балки кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг ҳам вазифасидир.

Биз халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини бузишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз, — дея таъкидлади Юртбошимиз. — Ва албатта, ўз танлаган йўлимиздан собит бориб, фаровон ҳаёт ва истиқболли келажакка эришамиз.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

**(ЎзА).**

*СУРАТДА: журналистлар билан мулоқот пайти.*

*Рўзмат Жуманиёзов олган сурат.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА, ИЧКИ ВА ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1971—1981 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1999 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 31 март.

## ДАВР САДОСИ

Тошкент оқшоми

***Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар***

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш ҳамда зарарсизлантиришда кўрсатган мардлиги ва жасорати, хизмат бурчига садоқати учун Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг алоҳида хизмат кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланди. Жумладан (марҳумлар) Эрик Гаязов, Сергей Давидов, Сергей Ничипуренко, Фарҳод Сабировлар 2-даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотландилар.

● «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон — Бельгия тадбиркорларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди. Тадбирда юртимизга ташриф буюрган Бельгия Қироллигининг саноати ривожланган вилоятларидан бири — Валлония саноатчиларининг бир гуруҳ вакиллари иштирок этди.

● **Бугун** Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат раҳбарларининг навбатдаги Саммити очилди.

● **Кеча** Россия ҳудудида МДҲга аъзо мамлакатларнинг ягона божхона декларацияси кучга киритилди.

● НАТО Бош котиби Х. Солана Югославияга қарши қаратилган ҳарбий операция Шимолий Атлантика ташкилотининг 50 йиллиги шарафига шу йил 24—25 апрелда Вашингтонда белгиланган НАТОга аъзо мамлакатлар саммитининг бошланишига тугалланиши эҳтимоли бор, деб баёнот берди. Бироқ «Қатъий куч» операцияси ўзининг учинчи босқичига кираётганлиги, яъни ракета-бомба зарбалари Югославиянинг бутун ҳудуди бўйлаб нафақат тунда, балки кундуз кунлари ҳам берилиши тўғрисида айтилди.

● Яқинда истеъфога чиққан Парагвай Президенти Раул Кубасга уй қамоғи таҳдид солиб турган бир пайтда Бразилия ҳукумати унга сиёсий бошпана берди.

● Америкалик таниқли сиёсатчи Жесси Жексон 2000 йилда бўладиган Президент сайловида ўз номзодини қўймаслигини маълум қилди.

*Таълим*

## ИХТИСОСЛАШГАН ТАРИХ МАКТАБЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда унда кўзда тутилган умумий ўрта таълим мактабларида тарих фанининг ўқитилишини яхшилаш билан бирга мазкур фан бўйича ихтисослаштирилган махсус мактаблар ташкил этиш масалаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 9-ҳамда Ҳамза туманидаги 216-мактабларда ташкил этилган тарих фани чуқур ўқитиладиган синфларнинг тақдимоти ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар тарих фанини чуқур ўрганиш асосида ҳаққоний тарихни идрок этувчи, тарихий воқеаларни илмий таҳлил қиладиган, ундан тўғри хулосалар чиқара оладиган комил инсонни тарбиялашда бу каби ихтисослашган таълим масканларининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА.**

*4 апрель — Маҳалла спорти куни*

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Шаҳар ҳокимининг қарорига кўра 4 апрель — якшанба куни барча туманларда илк бор кенг қамровли Маҳалла спорти куни бўлиб ўтади.***

Йил охирига қадар ҳар якшанбада мунтазам ўтказиладиган маҳалла спорти кунлари ҳар бир туманда ўзига хос руҳда махсус режаларга асосан ташкил этилмоқда.

Шу ўринда С. Раҳимов туманида ушбу тадбирга ўзига хос ёндашувни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Сергели туманидаги Наврўз маҳалласи Сергели-1 мавзесида жойлашган спорт майдончасида, Бектемир туманида Г. Красницкий номли ўйингоҳда, Миробод туманида Қўйлиқ-4 даҳасидаги 125-мактаб қошида қурилган 500 ўринли янги ўйингоҳда ва бошқа жойларда спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

## ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

*Саноат*

# ДАСТУРХОН ФАЙЗИ

***Дастурхони доимо очиқ халқмиз. Айниқса, қутлуғ кунларда бир-биримизни йўқлаш, меҳмон кутиш, кўнгил кўтариш азалий одатларимиздан саналади. Ана шундай кунларда безатилган дастурхонимиз хонадонимизга кўрк бағишлайди.***



Пойтахтликлар дастурхонини янаям файзли қилишда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Суфра» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг ҳам улуши бор, албатта. Корхонанинг ташкил этилганига эндигина бир йилдан ошди, холос. Лекин шу қисқа давр мобайнида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорларини топди.




Ушбу корхонада шу кунгача 15 дан ортиқ турдаги қандолат маҳсулотлари: жўхорили печенье, зефир, обакидондон, мармелад, ҳолва, ёнғоқли казиноклар тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар ўзининг сифати ҳамда чиройли қадоқланиши билан кўпчиликка манзур бўлмоқда.

— Маҳсулотимизни асосан ўзимизнинг хом ашёдан тайёрлаймиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Улуғбек Нусратов. — Шу кунларда тўла қувват билан ишламоқдамиз. Буюртмачиларимиз сони кундан кунга ортиб бормоқда. Уларнинг барчаси билан шартномалар тузганмиз. Мамлакатимизнинг Нукус, Бухоро, Наманган шаҳарларида жуда кўп харидорларга эгамиз. Мақсадимиз халқимиз дастурхонига ширин ва сифатли қандолат маҳсулотлари етказиб беришдир.

Ана шу мақсад йўлида жамоада меҳнат қилаётган 50 дан ортиқ ишчи-хизматчи кунига 4-5 тоннадан маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Улар Наврўз кунларида «Суфра» ширинлиги ҳамда «Руста» деб номланган зефирни байрам дастурхонига тортиқ қилдилар. Чунки дастурхонимиз тўкинлиги, одамларнинг ширин орзуларига янаям поклик бахш этиш «Суфра» қандолатчиларининг эзгу ниятларидир.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

*СУРАТЛАРДА: корхонанинг қадоқлаш цехида; бундай чиройли ва ширин маҳсулотлар кимга ҳам ёқмайди, дейсиз...*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Қурилиш*

# ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

***Шаҳримиздаги турар жой бинолари яна биттага кўпайиш арафасида.***

Ҳамза кўчаси билан Содиқ Азимов кўчаси туташган жойда фақат пишиқ ғиштдан қурилаётган тўрт қаватли уйда ишлар қизғин олиб борилялти.

Бу уй ҳам бошқалар сингари ўзига хос бўлиб, 32 хонадан иборат. Айни вақтда бу ерда фақат бош пудратчилар эмас, аксинча қурилиш ишида иштирок этиши лозим бўлган барча бунёдкорлар қатнашмоқда.

Бу уйнинг буюртмачиси 4-капитал қурилиш бошқармаси. Лойиҳачилари эса Тошкент лойиҳа институти. Бош пудратчи «Тошчетэлқурилиш» ташкилотидир.

— Бинонинг дастлабки бир бўлагига бошқа пардозловчилар ишлов беришган эди, — дейди 69-пардозловчилар бошқармаси бригадири Собиржон Аблаев. — Биз иккинчи қисмида ҳам аллақачон ишларни бошлаб юборганмиз. Бошқармамизда 100 дан зиёд қурувчи меҳнат қилади. Улар шаҳримизнинг қайси бурчагида қурилиш кетаётган бўлса ўша ерида ҳозиру нозир. Мана бу уйда 6 киши, «Мухбир» кўчасидаги уйларда 10 киши ва Белоруссия давлати ваколатхонаси учун қурилаётган бинода эса 6 киши меҳнат қилмоқда. Улар орасида Нурик Абдужабборов, Талғат Юнусов ва Аҳмад Тиллахўжаевлар ва бошқалар бор.

Биз кўча юзидаги тупроқларни текислатиб, қувурларни ётқизишда қатнашаётган «Тоштрансмахсусқурилиш» трестига қарашли 37-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Мирзаҳамдам Холмирзаевни суҳбатга тортдик.

— Дастлабки тиклаш ишлари тугалланай дегач, бизга ўтган йилнинг август ойида буюртма берилган эди. Биз ўша вақтдан бери тайёргарлик ишларини, ҳужжатларни расмийлаштириш ва тегишли жойлардан рухсатномалар олишга киришдик. Айни вақтда 265 метрли масофага катта босимда сув ўтадиган сув қувурини ётқиздик.

**Гулбаҳор МЎМИНОВА.**

*Таълим*

# МУРАББИЙЛАР МУШОИРАСИ

***Ижодкор ўқитувчилар орасида Ватан, юрт озодлигини мадҳ этиб келаётган мураббийларни кўплаб учратиш мумкин. Ана шундай ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш мақсадида Ҳамза туманидаги 151-мактабда анжуман ўтказилди.***

Туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси томонидан уюштирилган ушбу йиғилишда тумандаги мактабларнинг фан ўқитувчилари иштирок этдилар. Қатнашчилар ўзларининг истиқлол, тинчлик, она ва ёр мадҳ этилган шеърлари билан барча йиғилганлар дилини хушнуд этдилар. Айниқса, 155-мактабнинг она тили ўқитувчиси Наргиза Мирҳабибованинг «Онажон», «Ёлғиз аёл», «Истиқлол шабодаси», 153-мактаб директори Эгамберди Ҳусановнинг «Ўзбек халқимга таъзим», «Табрик», 205-мактабнинг чизмачилик ўқитувчиси Н.Раҳматованинг «Онажоним», «Алла», «Муаллим» шеърлари барчага манзур бўлди.

— Таъбир жоиз бўлса мен бу тадбирни мушоира кечаси деб атаган бўлардим, — дейди 153-мактаб директори Эгамберди Ҳусанов. — Чунки бу йиғилиш — мушоира Аёллар йилига, аёллар ва баҳор байрамига бағишлаб ўтказилди. Улар гўзал шеърлар билан шеърият боғининг гулларига айландилар.

**Клара АЗИМОВА.**

*Театр*

# САҲНАДА — «СУПЕР ҚАЙНОНА»

***Шаҳримиздаги бир қатор театрлар қаторида Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида ҳам тез-тез янги асарлар саҳналаштириб турилади.***

Куни кеча ушбу даргоҳда илк бор Санжарали Имомовнинг «Супер қайнона» асари асосида икки пардали мусиқали комедия кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Ўша куни театр зали мухлислар билан тўлиб, томошадан сўнг давомли қарсаклар билан асар ижрочиларига таҳсинлар билдирилди.

Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Аҳмедов, артистлардан Гулчеҳра Мирзажонова, Нурпошша Ҳасанова ҳамда Мақсуда Отажоновалар ўз ролларини моҳирона, сидқидилдан, юксак ихлос билан ижро этдилар.

Асарда турмушимизда қайнона ва келин ўртасида учраб турадиган баъзи бир келишмовчиликлар изчил ва юмористик руҳда очиб берилган.

**Ҳамидуллахон ЮСУПОВ.**

*Куюнчаклик билан ёзилган*

# ЯНА ИККИТА НОМЛИ КЎЧА ҲАҚИДА

***Бир кўчанинг икки номда аталганини эшитганмисиз? Миробод туманида шундай кўча бор экан. Тошкент автомобиль ва йўллар институти жойлашган Мовароуннаҳр кўчаси қайси кўча билан кесишганини билолмай ҳайрон бўласиз.***

Чунки кесишган кўчага лотин алифбосида «Шаҳрисабз кўчаси» деб ёзилган бўлса, худди шу кўчада жойлашган сал наридаги бинога «Лоҳутий кўчаси» деб ёзилган.

Шу кўчада жойлашган бирор ташкилот ёки истиқомат қилувчи фуқарони излаб келган киши овораи сарсон бўлишинику гапирмай қўя қолайлик. Аммо «Тез ёрдам» ёки ўт ўчириш каби шошилинч хизмат ходимлари адашиб сарсон бўлишлари-чи? Бу эътирозни Миробод тумани ҳокимлигининг атамалар бўйича шуғулланувчи мутасаддилари эътиборига ҳавола деб топдик.

**Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.**

## ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

# ШАҲРИ БЕЖОН ҚИССАСИ

***Қадрли оқшомхонлар эътиборига бугун ҳавола этилаётган «Шаҳри Бежон қиссаси» ҳам «Искандарнома» тўпламидаги ҳикоялар сирасига киради. Ўйлаймизки, бу ҳикоя ҳам муштарийларимизга манзур бўлади.***

Келтирибдурларким, ўз замонасида тўрт киши биргалашиб сафарга чиқдилар. Улар ҳар кечани тўртга бўлиб, биттаси уйғоқ ўтириб, қолган учтаси ухлар эрдилар. Уларнинг бири нажжор, бири чопон тикувчи, бири заргар ва бири мулла эрди. Кечанинг биринчи қисми нажжорга теккан эрди. Ўшал кеча нажжорни уйқу босди, ўз-ўзича дедики мабодо бир воқеа рўй бериб, ёмон отлиқ бўлиб қолмай деб арра, тешани олиб бир парча ёғочдин бир қизни суратини ясади ва фонусни олдига қўйди ва ётиб уйқуга кетди. Кечанинг иккинчи қисмида навбат чопон тикувчи устага келди. Чопон тикувчи кўрдики фонуснинг олдида ёғочдан бир сурат турибдур. Бу бирodaримни ишидур деб, унга лойиқ заифонача либос тикиб, қизга кийдириб ясатиб қўйди. Кечанинг учинчи қисмида заргарнинг навбати келди. Чопон тикувчи ҳам уйқуга кетди. Заргар кўрдиким фонусни олдида бир сурат турибдур. Бу биродарларимнинг ҳунарларидур деб қўғирчоқни заррин балдоқ ва безаклар билан безади. Кечанинг тўртинчи қисмида навбат муллага етди. Саҳар вақти эрди кўрдики фонуснинг олдида бир жонсиз зебо сурат турибдур. Билдиким бул уч нафар ҳамроҳларининг ишидур. Мулланинг ғайрати жўш уриб, ғусли пок айлаб икки ракат намози ҳожат айлаб, бошини саждага қўйиб, Муножот ба даргоҳи қози ал-Ҳожат айлаб, ёлвориб дедики, эй Оллоҳ вожиб таоллоҳ бул уч ҳамроҳларим ҳунар кўрсатибдурлар. Энди мендин ҳам бир иш бўлғайки, бу уч кишига манзур бўлғон суратга жон каромат айлагайсан, буларни олдида мени шарманда айламағил деб изҳор ожизликни баёнга келтирди.

Тонг пайтида илтижоси қабул бўлиб, ул суратға жон пайдо бўлиб, ўрнидин туриб, одоб бирлан муллага салом берди. Ул уч ҳамроҳлар ҳам турдиларки, бир париваш буларга ҳам салом айлади. Бул тўрт киши ўртасида тортишув вужудга келди. Нажжор дедики бу ишни мен бошладим, бул малика соҳиби мен бўлсам керак. Чопон тикувчи дедики, устидаги либослар мандиндур, заргар дедики ушбу заррин безакларнинг барчаси мендандур. Мулло дедики Оллоҳ таолодан илтижо ва зорий айлаб, жон бергил деб, ушбунинг ҳаётлигига боис мендурман. Бу янглиғ сўзлар кўп бўлди.

Алқисса, бул яқинда бир вилоят бор эрди, подшоси одил, қозиси ва уламолари оқил ва комил эрди. Ўшал шаҳарга доҳил бўлиб, ушбу воқеалар подшоҳ қулоғига етди. Подшоҳ мазкур санамни бир кўрмоқ бирлан андоқ волайи-шайдоси бўлдики, ул тўрт ёронларга шоҳ дедики, бу ишларингизни битиши имкондин ташқари кўринадур. Магар онки, сизларнинг ҳар бирингизга инъомлар айлай, бу маликанинг баҳридин ўтинглар деди. Бул тўрт киши шоҳнинг таклифига рози бўлдилар. Шоҳ айтганидан зиёда инъомлар бериб жўнатди.

Алқисса, маликани бир қасри олийга жойлаштириб, тўй тараддудига тушиб, бир неча кунлар томошалар бериб, шаҳар халқини хушнуд этиб, қози ва муллоларга инъомлар бериб яхши соатларда акд айладилар. Ҳамма фориғ ал-бол бўлдилар, кечаси янгалар маликани шоҳнинг шабистонига олиб кириб, шоҳни маликага, маликани шоҳга топширдилар, ҳар икковлари бир-бирларининг висол шарбатидин комрон бўлдилар. Бўсаю қучоқ ҳаддин зиёда бўлди, навбат коми дил олурға етди. Аммо, малика ўзини бир четга олиб, бу ишга рози бўлмади. Шоҳ ажабланиб маликанинг норозилиги сабабини сўради. Малика дедики, бу яқин орада бир шаҳар бордур, ани шаҳри бежон дерлар. Шаҳри бежон дейилишининг боиси нимадур? Мен шарт қилғондурман токи шаҳри бежондин бир хабар топилса. Агар хабар топилмаса, яъни шарт ўрнига қўйилмаса бундан сўнг бўса ҳам, қучоқ ҳам, инчунин коми дил олмоқнинг ҳам, асло иложи бўлмағай. Шоҳ кўрдики иш бу ерга етди, сафарга белини боғлаб, ўрнига вазирини қўйиб, устига қаландарона либосни дарбар айлаб (кийиб) дашту саҳроларни кезиб, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, учраган одамдин шаҳри бежон воқеасини сўрар эрди, ҳамма ҳайрон бўлур эрди.

Алқисса, Қустантания (Стамбул) вилоятининг навоҳийсида бир тоғ бордур, ул ерда бир азизи ижобат алдавот, яъни дуоси қабул бўладиган бир азиз бор деб эшитди. Кўнгли гувоҳлик бердики ул азизнинг нафасининг баракотидин шоядки муддаом кулли очилса деб, ул жойга неча муддатлар юриб етиб борди. Сўраб-сўраб ул азизни тобти. Кўрдики, бир мўйсафид нуронийдур, намозда турибдур. Намоздан сўнг салом бериб, қўлларини ўпиб юз-кўзига суртиб тавоф айлади. Ожизлиқ ва ниёзмандлиқ изҳор айлаб, саргузаштини баён айлаб, имдод (ёрдам) тилади. Ул азиз меҳрибонлиқ юзасидин дедиларки, шаҳри бежон бу оламда бордур, машриқ тарафидадур, аммо унга етмоқлиқ мушкулдур, офатлари беҳаддур. Агар йўл топса икки йилда етса бўлур. Ҳар ҳолда ноумид бўлмағил, жўянда ёбанда (қидирувчи топувчи) дебдурлар. Яна ул киши тараххум айлаб дедиларки, бу тоғнинг фалон ерида бир беша бордур. Ул бешада бир забардаст улуғ қушнинг кошонаси бордур. Ҳар йили азбаройи насл тухум қўйиб, болалар очар. Полапонлари темир қанот бўлғонда, онаси овқат излаб кетганда бир аждаҳо монанд илон пайдо бўлиб, ул полапонларни нобуд қилиб еб кетар. Ул қуш болага зордур, агар сен бориб ул илонни даф айлаб, полапонларни сақлаб қолсанг, ул қуш муродингга еткурса ажаб эрмас. Ул қуш одам тилида ҳам сўзлар, биздин ҳам дуолар етқурғил. Биз ҳам мунда сани Оллоҳ таолодин тилаб, таважжуҳ бирлан турурмиз деб, фотиҳа бердилар. Шоҳ хуррам бўлиб ул тарафга бориб бешага етди. Ул қушни ошёнасини топиб кўрдики, бир танобдин ҳоли улуғдир. Қушни ўзи йўқдур, шикор (ов) айламоқ учун кетган экан. Полапонлари темир қанотдир. Шоҳ саждайи шукрона айлаб Оллоҳ таолодан мадад тилаб ўлтириб эрди, баногоҳ ул аждарҳо илон пайдо бўлди. Шоҳ ўзини панага олиб турди, ул илон дарахтга чирмашди, токи қушчаларни хуроқ айлагай. Шоҳ вақтни ғанимат билиб, шамшир хун ошомни қинидин олиб ул илон бошига андоғ урдики, бошидин кўкрагигача икки пора бўлди. Илон дарахтдин йиқилди, думларини ҳар тарафга ура-ура жон берди. Шоҳ бошини саждага қўйиб, икки ракат намози шукрона адо айлади ва дедики эй парвардигорим бу нусратлар сендиндур деб, илтижолар айлади. Бошини кўтарди. Бул ишдин фориғ бўлиб, ул ошёнанинг соясида истироҳатга машғул бўлди. Замони ўтир эрди Шоҳ мурғон (Қушлар шоҳи) пайдо бўлди. Кўрдики бир одамзот ошёнасини тагида ухлаб ётур, болалари ҳаётдур. Қуш дарғазаб бўлиб, қасд қилдики пора-пора қилиб ташлагай. Аммо болалари фарёд айлаб дедиларки, эй она, ул одамга озор берманг, бизларнинг тирик қолишимизга сабабчидур. Ул қуш уён-буёнга боқиб кўрдики, ерда минорадек улкан илон ўлиб ётибдур. Дарҳол худога шукур айлаб, шоҳни бошига соя солди. Болалари дедиларки, бу илон бизларга қасд айлади, бул одамни Оллоҳ таоло еткурди. Қилич билан уриб, бошини икки пора қилиб ташлади. Бинобарин, чарчаб ҳозиргина истироҳатга машғул бўлган эрди. Шу аснода шоҳ уйғониб ўрнидин туриб, қушлар шоҳига салом берди. Жавоби саломдин сўнгра қушлар шоҳи дедики, эй навжувон, нима боисдин бул маконларга қадам еткурдинг, деб сўради. Шоҳ ўз саргузаштини бошдин-оёғигача баён айлаб, ул азизнинг саломини еткурди ва дедики, эй қушлар шоҳи каминанинг бошига иш тушди. Чунончи шаҳри бежон воқеасини билмоқнинг тараддудидаман. Алҳол умид айларманки, шаҳри бежон ҳудудиға еткурсалар деб, илтижо қилди. Қушлар шоҳи хўб бўлғай деб, дарҳол мева топиб келиб шоҳни очлик ва ташналикдин фориғ этди. Болаларига ҳам уч-тўрт кунлик овқатни заҳира айлаб берди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

**(Давоми бор).**



*Бахтли бўлинглар, қўша қаринглар.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Элатлар, одатлар*

# НИКОҲ ҲАҚИДА

Испаниянинг Маяльда шаҳрининг қадимдан келаётган расмрусуми бор. Никоҳ тўйи бўлаётган ёшларнинг оёғини осмонга, бошларини ерга қаратиб осиб қўйишади. Шундай ҳолда улар узоқ вақт ўпишар экан. Кейин улар кўпчилик билан дастурхонга ўтириб, тўйни бошлашади.

* * *

Индонезиянинг Суматов шаҳрида йигит ўзининг кучли ва сабр тоқатли эканини исботлаш учун бўлажак аёлини ота-онасининг уйидан ўз уйига кўтариб олиб келар экан.

* * *

Бразилияда яшайдиган ҳиндуларнинг баъзи қавмларида қизлар йигитларни ўзлари танлар экан. Ҳинду қизи танлаган йигитига идиши билан бўтқа олиб келади. Агар йигит бўтқани еса, кўп ўтмай тўй бўлади, бўтқадан қолдирса, ҳали ўйлаб кўраман, деганини билдирар экан.

* * *

Хитойнинг жануби-ғарбида яшайдиганларда йигит танлаган қизига рўмол совға қилади. Қиз жавобан тўқилган оёқ кийимга банан қўшиб берса, келишилганини, қайтариб берган совғасининг орасига кўк пиёз қўшиб юборса, келишилмаганини билдираркан.

* * *

«Ҳақиқий йигит арслондай ириллай оладиган бўлиши керак» деган шиор остида ҳар йили Жанубий Африканинг Нелотрейт шаҳрида мусобақа ўтказилади. Мусобақада арслондай ириллаган йигитлар сараланади. Мусобақа ғолиблари билан совриндорлари энг мос куёв деб ҳисобланаркан.

* * *

Ҳиндистоннинг ҳудудида яшайдиган Холеяс қавмининг айрича никоҳланиш русуми бор экан. Тўй маросими ўтаётган пайтда куёв йигит балиқ ушлаб олиб, уни тушмуғидан ўпиб, қайтариб сувга ташлаб юбориши керак.

* * *

Бенгал қўлтиғидаги Никобар оролининг йигитлари уйланмоқчи бўлган қизнинг уйига бориб «қул» бўлади. Ўз ихтиёри билан қуллик хизматини бажариш 6 ойдан бир йилгача чўзилиши мумкин. Шу вақт ичида қиз унга турмушга чиқиш-чиқмаслигини маълум қилар экан. Келишилган тақдирда овул кенгаши қиз билан йигитни эр-хотин деб эълон қилади. Келишинмаса йигит уйига қайтади.

* * *

Туркиянинг айрим қишлоқларида ҳозирги кунга қадар қиз куёвининг ҳақиқий йигит эканини кўрсатиш мақсадида унинг эшиги олдида кўпчиликни йиғиб, унинг соқол ва мўйловини қириб ташлар экан.

* * *

Непалда куёв йигит қизга чиндан ҳам ошиқ эканлигини исботлаш учун бармоқларини қизнинг оёғига теккизар экан.

* * *

Химолай тоғида яшайдиган шерп қавмида икки ака-ука ҳовлини бўлмаслик учун бир қизга уйланишар экан. Агар ўша оилада уч бола туғилса, каттаси билан кенжаси бир қизга уйланади, ўртанчаси эса черковга кетади. Агар тўртта туғилса, икки катта бир қизга, икки кичиги бошқа бир қизга уйланар экан.

* * *

Ироқда никоҳдан вақтинча ўтиш ҳақида махсус қонун бор. Бу жуфтлар бир ойдан бир неча йилгача яшаркан. Қизлар вақтинча хотин бўлолмайди. Шунга кўра бир вақтлар бевалар ёки ажралишган аёллардан иборат махсус жамоалар пайдо бўлган. Баъзи гўзал аёллар ҳаётида ўн марталаб турмушга чиқаркан. Бундай никоҳдан туғилган болалар отасининг қўлида қолар экан.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.**

*Турфа олам*

# УЗУН СОЧЛИ, СОҚОЛЛИ

1780 йили Дрезден шаҳрига 3 метр 65 сантиметр узунликдаги аёл сочи келтириб қўйилган.

Аслида ўша соч 52 йил давомида Польшадаги уй хўжалик ишлари билан шуғулланувчи бир аёлга чирой бериб турган. Пандарасаниадхи деган аёлнинг сочи эса 8 метрга етган!

* * *

Америкалик қиз Джемис Деверининг соқолини 1884 йили ўлчашганда 36 сантиметрга етган. XVII асрда Бельгиянинг Дьежа шаҳрида яшайдиган Элен Антоний деган аёлнинг соқоли қорнидан тушиб турган.

**Дилноза АСХАТОВА тайёрлади.**

# ЮРТИМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

*Тадбирлар*

## ҚАЛБИМИЗ ЭЪЗОЗИДАГИ БАЙРАМ

***Юртимизга кириб келган баҳор нафаси, у билан бирга ташриф буюрган Наврўз айёми, ушбу қутлуғ айём муносабати билан ўтказилаётган шодиёналар шаҳримизнинг барча туман, маҳалла ва гўшаларида кенг нишонланмоқда.***

***Ана шундай тантаналардан бири Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли ҳунар-техника билим юртида бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбир шаҳар «Наврўз» Халқаро хайрия жамғармаси ҳомийлигида, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай наволари дилларга роҳат бағишлаб, барчани баҳорий кайфият-ла байрамга чорлади.

Байрамона безатилган ушбу хайрия тадбирига тумандаги кўп болалик, кам таъминланган оилалардан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлардан вакиллар таклиф этилди. Байрам шодиёнасини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова очиб, барча меҳмонларни янгиланиш, яшариш байрами Наврўзи олам билан табриклади.

Истеъдодли хонанда ва созандаларнинг чиқишлари тадбирга файз киритди. Дастурхонга Наврўз таомлари — сумалак, кўк сомса ва байрам оши тарқатилди.

Хайрия кечаси сўнгида «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа кўплаб ҳомий ташкилотлар билим юрти талабаларига ўз совғаларини топширдилар.

**Моҳира КАРИМОВА.**

*Саховат*

## КЕКСАЛАРНИ ҚАДРЛАБ

***Кексаларни қадрлаш ва ҳурмат қилиш, ногиронларнинг дилларига малҳам бўлиш халқимиз эъзозлаб келаётган энг яхши одатларимиздан саналади. «Тошшаҳармаиший хизматуюшма»си жамоаси ҳам ана шу хайрли ишни давом эттириб келишмоқда.***

Наврўз байрамини пойтахтимиз аҳолисига намунали хизмат кўрсатиб кутиб олган жамоа ходимлари байрам арафасида шаҳримиз туманларидаги 40 та сартарошхонада кекса ва ногирон мижозларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этдилар. Шу куни 1200 нафардан ортиқ кишига беминнат хизмат уюштирилиб, улардан миннатдорчилик сўзларини эшитиш ҳар бир сартарошда ўз касбига бўлган муҳаббатни янада кучайтирди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган ажойиб фикрлари бизни ҳам шу ишга ундади, — дейди уюшма раҳбари Саидумар Аълоев. — Рамазон ҳайити, Наврўз, Қурбон ҳайити арафасида шаҳримиз туманларидаги энг намунали сартарошхоналаримизнинг малакали ходимлари билан келишган ҳолда шу ишни амалга оширдик. Мамлакатимизда илк бор нишонланаётган 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида эса бу хайрли ишимизни яна давом эттириб, кексалар ва уруш қатнашчилари, ногиронларга бундан ҳам намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айниқса, Мирзо Улуғбек туманидаги «Марсо» хусусий фирмасига қарашли «ТТЗ-4» мавзесида жойлашган 4-сартарошхона, Юнусобод туманидаги «Эркинжон» хусусий фирмасига қарашли Чимкент йўли кўчаси 72-уйдаги, Акмал Икромов туманидаги «Тозадил» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмасининг Сегизбоев кўчаси 9-уйдаги сартарошхоналари Наврўз байрами арафасида барча мижозларни мамнун этишди. Моҳир сартарошлар бундай эзгу ишларни давом эттириш ниятидалар.

**Шарофат БАҲРОМОВА.**

## БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

***Тошкент Ҳуқуқшунослик ижтимоий-таъминот техникумида бўлиб ўтган байрам кечаси ҳам Наврўзи оламга бағишланди.***

Кечада ижтимоий таъминот вазирлигининг ҳуқуқий маслаҳатчиси Рустам Каримов, республика малака ошириш курсининг рақбари Равшан Кунаров, техникум директори Абдумухтор Ҳасанов, устоз мураббийлар ҳамда талабалар иштирок этишди.

Кечада гуруҳлар ўртасида ўтказилган беллашув айниқса, қизиқарли бўлди. Талабалар ичакузди ҳангомалар асосида интермедиялар, дилрабо рақслар ижро этдилар, баҳорнинг лаззатли таомлари билан байрам дастурхонини безадилар. Энг юқори кўрсаткичга эришган техникумнинг кундузги бўлими II-босқичнинг 6-гуруҳ талабалари ғолибликни қўлга киритдилар.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**техникум талабаси.**

*Фестиваллар*

NAVRUZ
99
*Республика Театр санъати фестивали*
*1999 йил 30 март - 8 апрель*

## САНЪАТИМИЗНИНГ УЛКАН КЎРИГИ

***Ўлкамизга кириб келган ҳароратли баҳор, у билан бирга келган Наврўз нафаси халқимиз қалбида ўтаётган ҳар бир шодиёналарга ўзгача бир шукуҳ ва кайфият акс эттирмоқда.***

***Куни кеча Ўзбекистон ёшлар театрида «Наврўз — 99» анъанавий республика театр санъати фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда театр жамоасининг Алишер Навоий достони асосида саҳналаштирилган «Лисон-ут-тайр» спектакли намойиш этилди.***

***Биз фестиваль ҳайъати раиси, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов билан суҳбатда бўлдик.***

**— Турғун ака, мана бир неча йилдирки, юртимизда республика театрларининг анъанавий театр санъати фестивали ўтказилмоқда. Бу йилги «Наврўз — 99» фестивали ҳақида батафсил тўхталиб ўтсангиз.**

— Маълумки, мазкур театр фестивали «Наврўз арафасида» номи остида ўтказиб келинган. Бундан икки йил муқаддам эса ушбу фестиваль «Наврўз — 97» деб номланиб, унда буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилган спектаклар намойиш этилган эди. Фестивалда Ўзбекистон театрлари билан бирга Қозоғистон ва Қирғизистон театр жамоалари иштирок этган эдилар.

Бу йилги «Наврўз — 99» театр санъати фестивали фарахбахш кунларда ўтмоқда. Аввало Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги тарихий Фармонларига бир йил тўлди.

Фестивалда намойиш этиладиган спектакллар маълум даражада мамлакатимизда театр санъатининг бугунги кундаги ўрни ҳақида фикр юритиш имконини беради.

**— Фестиваль низоми, таъсисчилари ва бевосита спектакллар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.**

— Фестиваль таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, театр ижодкорлари уюшмаси ва «Артмадад» жамғармаси.

Фестиваль низомига кўра ушбу кўрикда барча профессионал театрлар ва театр студиялари 1997—1998 йиллардаги энг яхши спектакллари билан иштирок этмоқдалар. Фестиваль репертуари рангбаранг мавзудаги асарлардан ташкил топган.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри Ҳ. Расулнинг «Пири коинот» драмасини намойиш этади. Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри жамоаси С. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асари асосида саҳналаштирилган «Судхўр» спектакли билан иштирок этади. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик Катта театри М. Бафоев ва Ж. Жабборовнинг «Ал-Фарғоний» операсини намойиш этади. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри «Тақдир» спектакли билан қатнашади. Ўзбекистон Академик рус драма театри жамоаси Саганнинг асари асосидаги спектакль билан иштирок этади. Тошкент Давлат мусиқали комедия театри Кальманнинг «Цирк маликаси» асарини намойиш этади.

Шунингдек, томошабинлар ва меҳмонлар вилоят театрларининг бир қатор спектаклларини ҳам томоша қиладилар.

**— Ҳомийлар ва таъсис этилган мукофотлар...**

— «Наврўз — 99» фестивалини ўтказишда ва иштирокчиларни тақдирлашда «ЎЗДУНРОБИТА» ва «Бўстон» Ўзбекистон—Британия қўшма корхоналари, бир қатор жамғарма ҳамда ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган спектаклларга бериладиган мукофотлардан ташқари қуйидаги мукофотлар ҳам таъсис этилган: Энг яхши режиссёрлик иши ва энг яхши рассомлик иши учун; Энг яхши аёл ва эркак роли ижроси учун; Энг яхши эпизодик роль ва энг яхши ёш актёр ижроси учун кабi қўшимча мукофотлар ажратилади.

**— Фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирлар, режалар...**

— Меҳмонларимиз учун шу кунлари қатор ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган. Театр ижодкорлари уюшмасининг янги гувоҳномалари топширилади, фестиваль иштирокчилари шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини, меъморлик обидаларини кўрадилар, музейларга ташриф буюрадилар.

**Суҳбатдош**
**Маъмура РЎЗИЕВА.**



*Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Ҳувайдо маҳалласида жойлашган 169-мактабда ҳам «Ассалом, Наврўз» мавзуида ажойиб байрам тадбири бўлиб ўтди. Ўқувчилар дилрабо куй ва қўшиқлар, жозибали рақс ҳамда қизиқарли саҳна асарларини намойиш этиб кечага қувноқ кайфият улашишди.*

***Табиат уйғонди сени соғиниб,***
***Ялпиз, кўкатлардан сомсалар ёпиб,***
***Сумалак таъмини қўмсаб, энтикиб,***
***Наврўзим, мен сени соғиндим бу кун!***

## ТАБИАТ УЙҒОНДИ СЕНИ СОҒИНИБ...



*СУРАТЛАРДА: мактабда ўтказилган байрамдан лавҳалар.*
*Рашид Галиев олган суратлар.*

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

### Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Ҳикмат арбобларининг айтишларича, кишининг вужуд гули одоб ранги ва ҳидидан холий бўлса у киши одамлар назарида тиконДек хору бемиқдор бўлади, халқ кўнгли у билан суҳбатлашишдан қолади ҳамда бегонаю ошнолар ундан юз ўгирадилар. Унинг аҳволи саҳифасига нафрат қалами билан узоқлик ва бегоналик белгисини қўядилар. Шунингучун бешарм ва одобсиз кишилар давроннинг даккиси ва танбеҳидан ўзларининг озодлик қанотларини синган ҳолда кўрадилар ва уларнинг меҳру муҳаббати ҳеч кимнинг дилига ҳеч қачон ўтирмайди.

● Луқмони ҳаким шундай буюради:

— Бирор киши билан бирадарлик ва дўстлик ипини боғламоқчи бўлсанг уни бирор қийинчилик устида сина, асосан ғазаби келиб турган пайтда имтиҳон қил, ғазабини боса олмаган киши билан дўстлик қилиш қийин»!

● Энг кучли киши шундай кишики, ғазаб келганда уни боса олади, ўз нафсини эса тўғри йўлга бошлай олади.

Шеър:

*Кучли ҳамда шер юрак одамни сен мард дема,*
*Ғазаб келса ғазабини боса олган мард эрур!*

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

● ҲИКМАТ. Бир ҳакимга дедилар: «Ҳамма хулқ ва одобни ўз ичида жам қилган қисқа бир ҳикмат айтсанг, токи уни эсда тутиш осон бўлсин!» Ҳаким деди: «Ғазабни тарк этиш!»

● Энг разил кишилардан бири ёлғончилардир. Бундай кишилар ёлғон нарсаларни нақл қилиб, одамлар орасига нифоқ қилади. Биров ҳақида бўлмағур гапларни сенга, сеникини эса уларга еткизади. Шунинг учун:

*Ҳар киши айтса бировга айбини сенга қачон,*
*Сендаги айбни бировга айтажакдур, бегумон,* — деганлар.

● Дунёда фақат ҳалол е, ҳалол ишла, ҳаромдан топилган мол ҳеч кимга вафо қилмайди.

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

● Гўзаллик ҳам улуғ неъмат бўлиб, у ҳар кимсага ҳам берилавермайди.

Оти гўзалнинг ўзи ҳам гўзал бўлавермайди.

● Ёлғончи кишини ўликдан фарқи йўқ. Чунки тирик кишининг фазилати унинг нутқидадир. Тирик киши ёлғон сўзлайвергани учун унинг сўзларига ҳеч ким қулоқ солмай қўйгач, унинг энди ўликдан фарқи йўқ.

*Ёлғончининг дўсти ҳам ёлғончи.*
*Ёлғон ваъда бериш бекорга душман орттиришдир.*

● Ўзгалар ҳақида сенга хабар келтирган киши сенинг ҳақингда ҳам бошқаларга хабар етказади.

Бировнинг сирини сенга ошкор қилган киши сенинг сирингни ҳам бошқаларга ошкор қилади.

Инсоннинг сир сақлаши бировга сир айтиб пушаймон бўлишдан яхши.

***«Аталар сўзлари»дан.***

● Азизим, тинчлик тарафдори бўлган тил бир оғиз сўз билан юзлаб мушкул тугунни еча олади, бемаҳал айтилган фитна қўзғатувчи сўз эса сўзловчининг бўйнини сиртмоққа туширади. Чунончи, айтадилар:

*Ақлинг билан сўзнинг тагига боққин*
*Фойдаю зиёнга тўла бойлик у!*

● Азизим, ишнинг оқибатин ўйловчи кишилар оғзаки эшитилган сўзларга ишонмайдилар. Эшитилган гапнинг далил ва ҳужжатини кўрмагунларича шошиб ҳукм чиқармайдилар. Байт:

*Ғараз эгасига солсанг қулоғинг,*
*Пушаймондан ўчар нурли чироғинг!*

● Азизим, сен кечириш хислатини ўзингга шиор қил, атрофдагилардан арзимас гуноҳлари учун юз ўгираверма! Уларни афу суви ва марҳамат нури билан баҳраманд эт! Уларнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб тур! Марҳамат юзасидан шафқат либосини инъом айла! Чунончи, айтадилар:

*Ўзинг бунёд этган мевали шохни,*
*Ўзинг нобуд этсанг кўп ёмон бўлар!*

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.**

**Форс, араб тилларидан**
**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**



*Саҳнага чиқиш олдидан.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

### Маслаҳатлар

◆ Соябонингизни спиртга ботирилган юмшоқ чўтка билан тозаланг. Агар соябонингиз ипак матодан тайёрланган бўлса, уни очиқ ҳолда қуритинг.

* * *

◆ Тўқилган кийимларни кийим жавонига осиб қўйманг, улар чўзилиб ўз шаклини йўқотади. Тўқилган кийимларни жавонга таштлаб қўйган маъқул.

* * *

◆ Ўтмаслашган пичоқни чархлашдан олдин у намакобли идишга солиб қўйилса, осон чархланади.

* * *

◆ Уйдаги гиламлар янада тароватли кўринсин десангиз, гиламга майда туз сепиб қўйинг. Эртаси куни тоза нам латта ёрдамида артиб олинг.

* * *

◆ Пахмоқ сочиқ ва халатлар ўз ҳолатини йўқотмасин десангиз, уларни ювгандан сўнг бироз вақт шўр сувга солиб қўйинг ва кургандан кейин дазмолланг.

**Гўзал ҲОЛИҚОВА**
**тайёрлади.**

### Ҳар тўғрида

## ҒАРОЙИБ ПОЙГА

Португалияда одатдагидан ташқари бўлган автомобиль пойгаси ўтказилди. ЭТЭ километрли трассада бир неча ўн йиллар муқаддам ишлаб чиқарилган автомобиллар саф тортди. Пойга қатнашчилари орасида энг қадимги автомашина 1913 йилда ишланган «Роллеройс» эди.

Ёмғир ёғиб турган бўлишига қарамасдан ишқибозлар пойгани қизиқиш билан томоша қилишди. Кўплаб машиналар об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли стартда қатнаша олмади. Улардан бир нечтаси тўқнашиб кетди. 1914 йилда ишланган «Остин» маркали автомобиль замонавий юк машинасига бориб урилди. Шундай бўлсада у пойгада иштирок этишни давом эттирди.

## АНТИҚА КЎЛ

Австралиялик олимларга Канберра ва Сидней шаҳарлари оралиғидаги унча катта бўлмаган Джордж кўли ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. Бу табиий сув тўпланадиган жой ва унинг атрофлари кўплаб ўрдаклар, оққушлар ва бошқа паррандаларнинг севимли масканига айланиб қолган. Лекин бу йил ёзда, деб ёзади Болгария Халқ Республикасининг «Народна младеж» газетаси, кўл ғойиб бўлиб қолди. Гап шундаки, 160 йил давомида бу кўл худди ер ютгандек бешинчи маротаба ғойиб бўлишидир.

Олимлар ҳозирча бу ғаройиб воқеанинг сабаби нимада эканлиги ҳақида илмий асосга эга эмаслар.

## ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ

Мексикада мамлакатнинг ноёб ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим резерви ҳисобланади. Мексика ўрмонлар тадқиқоти миллий институти мутахассисларининг айтишларича, кўпгина гиёҳ турлари, бутасимон ўсимликлар ва табиийки кактуслардан саноатда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва фармокологияда ҳам хом ашё сифатида кенг фойдаланиш мумкин. Мексика набототининг мингга яқин тури бўйича ҳозирги пайтда худди шу нуқтаи назардан тадқиқот олиб борилмоқда.

## ҚУРҒОҚЧИЛИК САБАБЛИ

Яқинда Австралиянинг кўпгина ҳудудларида зарар келтирган қурғоқчилик бу қитъа учун ўзига хос бўлган ҳодисадир. Сидней университети мутахассислари узоқ йиллар бундан ҳам кучли қурғоқчилик бўлганлигини аниқлашди. Тахминан бундан 20 йил муқаддам содир бўлган қурғоқчилик 10 йил мобайнида давом этди.

Олимлар худди ўша кезларда улкан кенгурулар ҳалок бўлганлигини эътироф этишди.

**Шаҳноза ИНОҒОМОВА тайёрлади.**

### Танловлар

## «ГЎЗАЛОЙ» СОВРИНИ УЧУН

***Баҳор тароватu, Наврўз шодиёналари кекса-ю ёшга баробар таъсир кўрсатмоқда. Шу жумладан 1-Тошкент педагогика билим юрти талабалари ва устозлари бу шодиёнага ўзгача тайёргарлик кўрдилар.***

Куни кеча билим даргоҳида талабалар ўртасида Аёллар йилига ҳамда Наврўз байрамига бағишланган «Балли, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда 1-босқич қизлари қатнашдилар. Қизлар тайёрлаган «Гўзалой» номли деворий газета ва турли хилдаги кўргазмалар ҳакамлар ва йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Бундан ташқари гуруҳ қизлари ўз зукколикларини қисқа савол ва жавобларда, миллий таомлар ва ширинликларга аталган шеър ва қўшиқларда яққол акс эттирдилар. Ижрочилар пазандачилик, либослар кўргазмаси борасида ҳам беллашдилар.

Беллашувда энг топқир, чаққон ва зукко, «Гўзалой» совринига муносиб деб топилган Барно Каримова ғолиб чиқди.

**Нигора НИЗОМОВА,**
**1-Тошкент педагогика**
**билим юрти талабаси.**

### Хушхабар

## ЯПОН КУРАШЧИЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Шаҳримизда кураш бўйича дастлабки жаҳон чемпионати ўтказилишига ҳам оз фурсат қолди.***

Ҳозиргача етмишга яқин давлатлардан унда иштирок этиш нияти билдирилиб расмий мактублар йўллангани қувонарли ҳолдир.

Куни кеча Японияден хушхабар олдик. Яқинда бизнинг миллий курашимиз бўйича Япония кураш федерацияси ташкил этилди. Сумо, таэквандо, каратэ, айкидо, у-шу, жиужитсу каби кураш турлари бениҳоя ривожланган кунчиқар мамлакатда ўзбек курашига шунчалик катта эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳолдир.

27—28 март кунлари эса япон диёрида кураш бўйича дастлабки мамлакат чемпионати ўтказилди. Унда ғолиб чиққан энг кучли полвонлар 29 апрель — 3 май кунлари шаҳримизда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида 78, 90 ва оғир вазндаги курашчилар баҳсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Дилбар ВОҲИДОВА.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0269. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6